

баравар хисобида фойдаланилган газ учун хакни «Таъминотчи»га тўлайди, шунингдек «Истеъмолчи»нинг газ истеъмол килувчи курилмалари газ таъминоти тизимидан узуб кўйилади.

6.5. Агарда, газ хисоблаш асбобларининг, шунингдек газ истеъмол килувчи бошка агрегатларга ўрнатилган пломбалар ўзбошимча равишда узилганлиги аникланса, «Истеъмолчи» ўрнатилган газ ускуналарининг 24 соатлик иш тартибидаги куввати бўйича «Таъминотчи» вакилининг охирги марта келган пайтидан бошлаб 2 баравар хисобланган газ хакини «Таъминотчи»га тўлайди.

6.6. Шартномавий мажбуриятлар бажарилмаса, томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-хукукий негизи тўғрисида» ги Конунига биноан жавоб берадилар.

## 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, тарафлар коидага кўра уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар. Тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга хаклидир.

7.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл кўйилмайди, конун хужжатларида белгиланган холлар бундан мустасно.

## 8. ФОРС-МАЖОР.

8.1. Томонлар куйидаги холатларда газ бериш ва кабул қилишни тўхтатиш ёки камайтиришга хаклидирлар ва бунинг учун жавобгарликка тортилмайдилар:

а) табиий оғатларда;

б) газ конларида, газни кайта ишлаш корхоналарида, магистрал газ қувурларида, газ тармокларида кутилмаган авариялар содир бўлганида.

8.2. Бундай холатлар содир бўлганида томонлар бир-бирларини хар кандай алока воситалари ёрдамида хабардор килишлари керак.

8.3. Агарда, бу холатлар 90 кундан ортик давом этса, томонлар келгусида шартномани бажариш, масаласини музокара йўли билан ҳал қиладилар.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

9.1. Мазкур шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тарафлар шартномани имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.

9.2. Мазкур шартномага хар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишида содир этилиши ва тарафдарнинг бунга лозим даражада маъсул бўлган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хакикий хисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Газначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорига мувофик, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради).

9.3. Шартнома 10.2 йил муддатга тузилган бўлиб, муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш хакида мурожаат килмаса, шартнома кейинги йил учун узайтирилган хисобланади. (Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2009 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2007-сон билан рўйхатга олинган “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Коидалари”га асосан амал қилиш муддати “31” декабрь 20 йилгача белгиланади).

Шартнома янги муддатга узайтирилганда, уларнинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгарилиши мумкин.

9.4. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси конунчилиги билан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

9.5. Томонлар ўртасидаги ҳар кандай баҳслар, агарда ўзаро битимга келинмаса, жавобгар манзили томонидаги хўжалик суди томонидан ҳал килинади. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича эътиrozлари, эътиroz тушган кундан бошлаб 30 кун мобайнода кўриб чикилади.